

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.T.115.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВ АБУБАКИР АХМАДҚУЛОВИЧ**

**МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН  
САМАРАЛИ ТОЗАЛАШ УЧУН УХК АГРЕГАТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Жиззах - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Саломов Абубакир**

Машинада терилган пахтани йирик ифлосликлардан самарали тозалаш учун  
УХК агрегатини такомиллаштириш..... 5

**Саломов Абубакир**

Усовершенствование агрегата УХК для эффективной очистки хлопка  
машинного сбора, от крупных примесей. .... 23

**Salomov Abubakir**

Improvement of the UXC unit for effective cleaning of machine-harvested cotton  
from large impurities..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.06.2020.T.115.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**САЛОМОВ АБУБАКИР АХМАДҚУЛОВИЧ**

**МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН**  
**САМАРАЛИ ТОЗАЛАШ УЧУН УХК АГРЕГАТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Жиззах - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2525 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Жиззах политехника институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.jizpi.uz](http://www.jizpi.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Усмонкулов Алишер Кадиркулович**  
Техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Исмаилов Алишер Абдулхаевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Жиззах политехника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **PhD.03/30.06.2020.T.115.01** – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “23” декабр соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:130100, Жиззах ш.,Ислом Каримов кўчаси, 4-уй. Тел.:(+99872) 226-46-05,факс: (+99872) 226-45-06; e-mail:[dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz) Жиззах политехника институти маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Жиззах политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил:130100, Жиззах ш.,Ислом Каримов кўчаси, 4-уй. Тел.:(+99872) 226-46-05, факс: (+99872) 226-45-06;

Диссертация автореферати 2022 йил “10” декабр куни тарқатилди.  
(2022 йил “10” декабрдаги 9 рақамли реестр баённомаси).

**М.Ходжиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

**И.Аббазов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.ф.д.(PhD), доцент

**А.Парниев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда табиий толалардан ҳисобланган пахтани тайёрлаш ва сақлаш, сифатини ошириш бўйича энергия-ресурстежамкор техника ва технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Халқаро консультатив қумита (ICAC) маълумотларига қараганда жаҳон миқёсида 24,55 мил. тонна тола истемол қилинган бўлсада ишлаб чиқарилган тола 23,07 мил. тоннани ташкил этади»<sup>1</sup>, етиштирилган тола таркибида маълум миқдорда бегона ифлос аралашмалар бўлишини ҳисобга олсак, етиштирилган пахтани тозалашда иш жараёнини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пахтани тозалаш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда етиштирилган пахта таркибидаги бегона ифлос аралашмаларни ажратиб олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, машинада терилган пахтани йирик ифлосликлардан самарали тозалаш агрегатларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Бу борада, пахтани дастлабки қайта ишлашда ифлос органик ва ноорганик аралашмаларидан тозалашда юқори иш сифатини таъминлаш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш, мақсадида энергия-ресурстежамкор машиналарни ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини илмий асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда пахтачилик саноатида пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатига қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг йиллик инвестиция дастурлари доирасида пахта тозалаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш, ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «...Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш мақсад қилиниб, бунда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, пахтани қайта ишлашда сифатли тозалаш билан бирга, тозалаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб

<sup>1</sup> International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC, email [secretariat@icac.org](mailto:secretariat@icac.org). September 1, 2017

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.

этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 6 мартдаги ПК-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати.** Пахта хом ашёсининг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш ва хомашёдан самарали фойдаланишни таъминлаган ҳолда, пахта тозалаш технологик жараёни жадаллигини ошириш муаммосини ечиш, амалий илм-фан фундаментал масалаларни ривожлантириш ва юқори самарали тозалаш машиналарини яратиш бўйича илмий ва лойиҳа ташкилотларининг биргаликда саъй-ҳаракатларини талаб қилади.

Бир қатор хорижий муаллифлар W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.W.Laird, E.M.Barnes, M.N.Gillum, P.G.Patil, P.A.Boving, V.G.Arude, S.K.Shukla, D.W.Van Doorn, B.M.Norman ва бошқалар пахта хомашёсини тозалаш технологик жараёнларида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан шуғулланмоқдалар.

Мамлакатимиз олимларларидан: Г.И.Мирошниченко, Т.И.Болдинский, Р.Г.Махкамов, Е.Ф.Будин, Р.В.Корабельников, И.Т.Максудов, Р.З.Бурнашев, Г.Д.Джаббаров, С.Д.Балтабаев, Б.Г.Кадыров, И.К.Хафизов, Р.М.Каттаходжаев, А.Д.Джураев, Д.А.Котов, В.И.Кузьмин, М.М.Джамалова, М.Ж. Кошакова, В.Н.Гусейнов, К.Абдуллаев, Д.А.Усманов С.Кодирходжаев, С.Саидахмедов, Х.Ахмадходжаев, Р.Муродов ва бошқалар пахта хом ашёсини тозалаш усуллари ва машиналарини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан шуғулланганлар. Улар тозалаш жараёнларининг назарий ва экспериментал тадқиқотларини ўтказдилар, турли конструкциядаги ўзгаришларни, рационал технологик параметрларни ва машина механизмларининг ҳаракат режимларини тавсия этдилар.

Мазкур илмий тадқиқотлар натижасида пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалашни маълум даражада сифатини таъминлаган ҳолда иш унумдорлигини 7 t/soat гача оширадиган оқимли технологик жараёнли УХК тозалаш агрегати ишлаб чиқилиб, барча пахта тозалаш корхоналарига жорий этилган. Лекин ҳозирги вақтда пахтани машинада теришни қайтадан

йўлга қўйилиши, пахтани териб олишни механизациялаштиргани ҳолда, терилаётган пахта хомашёсини ифлосланишини кўлда терилган пахтага нисбатан 1,5-2,0 баробарга ошириб юбораётгани маълум. Мавжуд УХК тозалаш агрегатини машинада терилган пахтани тозалашда унинг сифат кўрсаткичларини таъминлаш мақсадида унинг иш жараёнини мукамаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муаассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Жиззах политехника институти ва «Рахтасаноат илмий маркази» АЖ нинг ҳамкорликда бажарган №21-03 “Машинада терилган пахта хом ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалашга ихтисослаштирилган ПТМ русумли машинаси такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** машинада терилган ифлослиги юқори бўлган пахта хомашёсининг тозалаш самарадорлигини таъминлаш усулини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун УХК агрегатини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пахта хомашёсини тозалашда ишлатиладиган маҳаллий ва хорижий технологик машиналарни ишлаш тамойиллари, конструктив хусусиятларни, техник ва технологик таснифларини аналитик таҳлил этиш;

пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалашдаги аррачали барабан параметрларини тозалаш жараёнига таъсирини назарий таҳлил этиш;

пахта хомашёсини тозалашнинг сифат ва унумдорлик кўрсаткичларини оширишни УХК агрегатининг технологик конструкциясини ишлаб чиқиш;

пахта хомашёсини тозалашни усулини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш имконини берадиган тажрибавий машинада тадқиқотларини олиб бориш;

пахта хомашёсини тозалаш учун такомиллаштирилган машинани ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта хомашёсини тозалашни сифат ва унумдорлик бўйича кўрсаткичларини яхшиловчи оқимли технологик машинанинг йирик ифлосликлардан тозаловчи бўлими қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида пахта хомашёсини тозалаш учун оқимли технологик жараённинг қонуниятларини назарий ва экспериментал ўрганиш усуллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика, машина ва механизмлар назарияси, олий математика, тебранишлар назарияси, технологик машиналар иш жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

пахта хом ашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш бўлимига қўшимча аррачали барабан ва таъминловчи чўткали барабанини ўрнатиш ҳисобига

юқори ифлосликка эга машинада терилган пахта хомашёсини икки марта тозалашни такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

қозикча сиртидан отилиб чиққан пахта бўлагини бошланғич тезлиги ва массасиги боғлиқлигини характерловчи ҳаракат тенгламалари олинди, улар ёрдамида аррачали барабанни ўрнатиш координаталари аниқланган;

такомиллаштирилган пахтани икки босқичли йирик ифлосликлардан тозалашда аррачали барабан тишлари билан чўткали илаштиргич орасидаги тирқишини пахта таркибидаги эркин толани ва чигитни механик шикастланишини камайишига олиб келиши натижаларни қайта ишлаш асосида оптималлаштирилган;

машинада терилган юқори ифлосликдаги пахта хомашёсини икки босқичда тозалашнинг технологик жараёни ишлаб чиқилди, биринчи ва иккинчи босқичда тозаловчи аррачали барабанларни иш режимлари конструктив параметрлари маълум қайд этилган вақт давомида тозаланган пахта хом ашёсини тарозида тортиш ва уни тозалагични натурал ўлчамларини ҳисоблаш йўли билан аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тажрибавий тадқиқотлар асосида машинада терилган пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш УХК агрегати такомиллаштирилган;

биринчи ва иккинчи аррачали барабанлардаги чўтка ва колосниклар орасидаги боғлиқлик амалий тажрибаларда аниқланган;

ишлаб чиқилган такомиллаштирилган пахтани йирик ифлосликлардан тозалашнинг икки босқичли технологиясининг иш унимдорлигига, тозалаш самарадорлигига боғлиқлиги асосланган;

машинада терилган пахтани самарали тозалашда аррачали барабанларнинг жойлашиш кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кўриб чиқиладиган предмет соҳасидаги назарий ва экспериментал тадқиқотлар маълумотларининг мослигига, пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш жараёнининг математик моделларини оқилона танлаш ва пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасини такомиллаштирилган конструкциясини ишлаб чиқаришга жорий этиш синовидан ўтказишнинг ижобий натижаларига мувофиқлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти пахтани йирик ифлосликдан тозаловчи аррачали ишчи органлари билан тозалаш жараёнини боғланишлари ва тозалаш эффектини пахтани аррачали ишчи органларга мақбул миқдорларда беришни аналитик боғланишлари ишлаб чиқилганлиги, чўткали ёки планкали ечувчи барабанни – аррали барабанга рационал жойлашишини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган такомиллаштирилган пахтани йирик ифлосликлардан оқимли тозалаш машинасининг такомиллаштирилган секциясидан фойдаланишда пахтани йирик ифлосликдан тозалаш самарадорлиги ошганлиги ва пахта тозалаш

корхоналарида пахтани йирик ифлосликдан тозаловчи мавжуд УХК тозолагичларини такомиллаштириш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Технологик машинанинг йирик ифлосликдан тозалаш бўлимининг такомиллаштирилган конструкцияси бўйича олинган натижалар асосида.

таклиф этилган оқимли технологик машинанинг йирик ифлосликдан тозалаш бўлимининг такомиллаштирилган конструкцияси бўйича олинган натажалар Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги “Сангзор текстил” кластери қошидаги Дўстлик пахта тозалаш корхонасига жорий этилган (“Пахта-тўқимачилик кластерлар” уюшмасининг 2022 йил 02/22-579 сонли маълумотномаси). Натижада УХК агрегатининг умумий тозалаш самарадорлиги 90,5% га оширишга эришилган ва тозаланган пахтанинг жинлашдан олдинги ифлослиги (жиннинг лотогида) 0,95% ни ташкил этган;

пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш УХК агрегатини такомиллаштиришга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (“Пахтани тозалаш қурилмасининг йирик ифлосликлардан тозалаш бўлими” № FAP 02063-2022). Натижада такомиллаштирилган икки босқичли пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секциясида пахтани умумий тозалаш самарадорлиги бир босқичли (амалдаги) тозалашга нисбатан 10,2% га, йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги бўйича 8,9% га кўпроқ бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та Республика анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та фойдали моделига патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ва иловаларидан иборат. Диссертация ҳажми 92 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, олиб борилган тадқиқотнинг асосий мақсади ва масалалари ифодаланган, тадқиқотнинг объект ва предмети тавсифланган, Республиканинг фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган.

Диссертациянинг “**Машинада терилган пахтани ифлосликлардан тозалаш технологик жараёни таҳлили**” деб номланган биринчи боби адабий манбаларни аналитик таҳлиliga ва пахтани тозалаш техникалари ва технологияларининг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Аниқландики, амалдаги пахта хом ашёсини тозалагичнинг асосий камчилиги шундаки, уни ишлатиш машинада терилган пахтани тозалашда тозалашнинг потенциал юқори тозалаш самарадорлигини таъминламайди, бу асосан тозалаш аррачали цилиндрларининг сонига боғлиқ. Натижада амалдаги тозалагичдан фойдаланилганда тозалаш эффекти унда ишлатиладиган тозалаш аррачали цилиндрлари сони билан чегараланади. Бундан ташқари, йирик ифлосликни тозалаш бўлимида иккита йўналтирувчи чўткали барабанлари мавжуд, бу конструкцияни мураккаблаштиради ва энергия сарфини оширади.

Бизнинг мақсадимиз пахтани оқимли тозалагич УХК нинг йирик ифлосликдан тозалаш самарасини оширишдан иборат.

Техник ечимнинг моҳияти 1-расмда таклиф этилаётган пахта тозалагичнинг схемаси кўрсатилган чизма орқали тушунтирилади.



**1-расм УХК тозалаш агрегатининг пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўлими схемаси**

Вазифа УХК пахта тозалагичининг йирик ифлосликдан тозалаш бўлимига кўшимча аррачали барабан ва таъминловчи чўткали барабанининг бир донасини биргаликда ўрнатиш билан юқори ифлосликка эга машинада терилган пахта хомашёсини икки марта тозалаш билан ҳал қилинади. УХК тозалагичининг пахтани йирик ифлосликдан тозалаш бўлимида таклиф этилаётган конструкция юқоридаги ўзига хос хусусиятлари туфайли, у амалдаги тозалагичга нисбатан тозалаш эффеқтини ошириши мумкин бўлади, чунки таклиф этилган вариантда, пахтани йирик ифлосликдан тозаловчи УХК нинг ҳар бир бўлимида, икки мартадан йирик ифлосликлардан пахтани тозалаш жараёни амалга оширилади.

Машинада терилган пахтани тозалагичининг йирик ифлосликдан тозалаш учун бўлими (1-расм) кетма-кет ўрнатилган иккита аррачали барабанлар 4 ва 10, иккита пахтани ажратиб олувчи чўткали барабанлар 5 ва 15, бир дона регенерация аррачали барабан 13 ва таъминловчи қозикли барабан 2, илаштирувчи чўткалар 3 ва 7, тозалаш колосникли панжаралар 11, 16, қия тарнов 12 ва шнек 17 ни ва рама 19 ни ўз ичига олади.


Машинада терилган пахта хомашёсини тозалагичнинг йирик ифлосликларидан тозалаш бўлимининг иши қуйидагича бажарилади. УХК нинг майда ифлосликдан тозалаш бўлимидан пахта қозикли барабан 2 томонидан биринчи аррачали цилиндр 4 га йўналтирилади (лаборатория стендида эса пахта қабул қилиш бункери 1 дан ташланади), у соат стрелкасига тескари томонга айланади ва илаштирувчи чўтка 3 ёрдамида пахтани тишларига билан маҳкамлайди ва пахта колосникли панжаралари 11 билан тўқнашганда йирик ифлосликдан тозаланади. Аррачали барабан 4 билан тозаланган пахта чўткали барабан 5 томонидан пахтани ажратиб олинади ва унинг ёрдамида кожух 6 бўйлаб иккинчи аррачали барабан 10 га йўналтирилади, у ҳам соат стрелкасига тескари айланади ва унинг тишлари билан илаштирувчи чўтка 7 ёрдамида маҳкамланади ва пахта колосникли панжара 11 билан тўқнашганда йирик ифлосликдан тозаланади.

Аррачали барабан 10 билан тозаланган пахта чўткали барабан 15 томонидан чиқарилади ва чўткали барабан 15 ёрдамида УХК тозалагичининг кейинги майда ифлосликдан тозалаш бўлимидаги қозикли барабан 14 га юборилади. Ажратилган ифлослик аралашмалари пахта бўлакчалари билан биргаликда колосникли панжаралар 11 дан ўтгандан кейин қия тарнов 12 бўйлаб регенерация аррачали барабани 13 га юборилади. Колосникли панжара 16 билан тўқнашувлардан пахтадаги йирик ифлосликларни тозалаш ишлари олиб борилади, шундан сўнг аррачали барабан 13 дан тозаланган пахта бўлаклари чўткали барабан 15 да пахтани ажратиб олинади ва УХК тозалагичининг кейинги майда ифлосликдан тозалаш бўлимидаги қозикли барабан 14 га юборилади. Панжара 16 орқали тушган ажратиб олинган ифлослик аралашмалари тозалагичдан шнек 17 орқали чиқарилади.

Таклиф этилаётган пахтани тозалаш секциясини схемаси асосида унинг параметрлари ўзгартириладиган экспериментал нусхаси тайёрланди,

тадқиқотнинг услубияти ишлаб чиқилди, мақсадлари ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертациянинг **"Пахтани тозаланиш жараёнини назарий асослари"**, номли иккинчи бобида ишлаб чиқилган пахтани тозалаш секциясининг асосий геометрик параметрларини назарий асослаш натижалари келтирилган.



**2-расм. Қозикча сиртида жойлашган пахта бўлаги харакатини ифодаловчи ҳисоб схемаси**

Қуйида келтирилган 2-расмдаги ҳисоб схемасида кўрсатилганидек қозикли барабан айланганида пахта бўлагига қуйидаги кучлар таъсир қилади:

$\bar{G}$ - оғирлик кучи;  $F_u$ - инерция кучи;  $F_m$ - марказдан қочма куч;  $F_k$ - кориолиус кучи;  $F_{шк}$  – пахта бўлаги билан қозик сирти орасидаги ишқаланиш кучи;  $F_x$ - ҳавони қаршилик кучи;  $N$  – реакция кучи;  $F_6$ - пахта бўлагини бошқа пахта бўлаклари билан боғланиш кучи.

барча кучларни  $x$  ва  $y$  ўқларига нисбатан проекцияларини оламыз ва қуйидаги дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламыз:

$$\frac{G}{g} \left( \frac{d^2(x+R_6)}{dt^2} \right) = m_n g \cos \alpha + \frac{G_n \omega_6^2 D_6}{2g} - f_{нк} N + F_6 \sin \beta + F_{нт} \sin \beta$$

$$N - kv_x^2 - 2 \frac{d(x+R_6)}{dt} \omega_6 \cos \gamma + m_n g \sin \alpha + F_6 \cos \beta + F_m \cos \beta \quad (1)$$

Олинган (1) системанинг иккинчи тенгламасидан реакция кучи  $N$  ни аниқлаб биринчи тенгламага қўямиз ва қуйидаги тенгламани ҳосил қиламыз:

$$\frac{G}{g} \left( \frac{d^2(x+R_6)}{dt^2} \right) = m_n g \cos \alpha + \frac{G_n \omega_6^2 D_6}{2g} + f_{нк} [m_n g \sin \alpha + (F_6 + F_{нт}) \cos \beta - kv_x^2 - 2 \omega_6 \cos \gamma \frac{d(x+R_6)}{dt}] + (F_6 + F_{нт}) \sin \beta \quad (2)$$

Олинган (2) дифференциал тенгламани сонли ечимини Рунге-Кутта усулидан фойдаланиб ечимини олиш натижасида пахта бўлагини майда ифлосликлардан тозалаш зонасида қозикча сиртидаги ҳаракат траекториясини аниқлаш мумкин. Ечимга асосан пахта бўлагини қозикчали барабандан чиқиш вақтидаги тезлиги қийматларини система параметрларига боғлиқ равишда аниқлаш имкони яратилади. Ҳисоб схемасига асосан пахта бўлагини ҳаракат қонунини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси қуйидагича бўлади:

$$m_n \frac{d^2 y_1}{dt^2} = -m_n g - F_x \sin \alpha_1$$

$$m_n \frac{d^2 x_1}{dt^2} = -F_x \sin \alpha_1 \quad (3)$$

бу ерда:  $\alpha_1$ - пахта бўлагини қозикча сиртидан отилиб чиқиш тезлик вектори билан  $x$  ўқи орасидаги бурчак.

Олинган (3) системани сонли ечимини ҳосил қилиш учун унинг дифференциал тенгламалари  $x$  ва  $y$  ўқлари бўйича алоҳида ечимлари олинди. У ҳолда (3) системанинг иккинчи тенгламаси ечимини олиш учун уни икки марта вақт бўйича интегралласак:

$$\frac{dx_1}{dt} = c_3 \text{ ва } x_1 = c_3 t + c_1 \quad (4)$$

$$Y = y_0 + \frac{t^2}{2}(g + kv_x^2 \sin \alpha_1) + v_n t \cos \alpha_1 \quad (5)$$

бунда:  $v_n = \omega_6 [R_6 + (h_k - \frac{1}{2} h_n)]$

бу ерда:  $h_k$  – қозикча баландлиги;  $h_n$  – пахта бўлаги узунлиги.

Олинган (4) ва (5) тенгламаларни сонли ечимларини параметрларининг қуйидаги қийматларида амалга оширилди:



$$R_6 = (0,130-0,165) \text{ м}; \omega_6 = (35,0-55,0) \text{ с}^{-1}; H_6 = (0,7-1,1) 10^{-1} \text{ м};$$

$$m_n = (0,2-0,7) 10^{-3} \text{ кг}, x_0 = (0,11-0,15) \text{ м}; y_0 = (0,08-0,09) \text{ м};$$

$$V_n = (4,5-8,0) \text{ м/с}.$$

Пахта бўлаги массаси  $0,85 \cdot 10^{-3}$  кг бўлганида, яъни камида тўртта толали чигитдан иборат бўлганида ҳаракат траекторияси  $y$  ўқи бўйича бор йўғи  $0,073$  м гача кўтарилса,  $x$  ўқи бўйича  $0,221$  м гача боради. Бунда аррачали барабанни таъсир зонаси 3- расмда штрихланган қисмда олиниши талаб этилади, яъни қозикчали ва аррачали барабанлар ўқлари орасидаги масофа  $x$  ўқи бўйича:

$$X = x_0 + 0,227 \text{ м} + R_{ap} \text{ га тенг бўлади.}$$



А) 1-  $V_n = 8,5$  м/с; 2-  $V_n = 6,8$  м/с;  
3-  $V_n = 5,3$  м/с; 4-  $m_n = 0,4 \cdot 10^{-3}$  кг.

Б) 1-  $V_n = 8,5$  м/с; 2-  $V_n = 6,8$  м/с;  
3-  $V_n = 5,3$  м/с; 4-  $m_n = 0,2 \cdot 10^{-3}$  кг.

**3-расм. Пахта бўлагини қозикча сиртидан отилгандан кейинги ҳаракат траекториясини унинг бошланғич қизикли тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари: А)  $m_n = 0,2 \cdot 10^{-3}$  кг, Б)  $m_n = 0,4 \cdot 10^{-3}$  кг**

Пахтани титилиши яхшиланиб, толали бир чигитни массалари бўлса, яъни  $m_n = 0,2 \cdot 10^{-3}$  кг бўлганида (3-расм, Б)) унинг траекторияси мақбул бўлиб,  $x$  ўқи бўйича аррачали барабан таъсир зонаси  $0,252$  м гача етади.



$$\text{У ҳолда} \quad O_6C = \frac{O_6}{\cos\varphi} = \frac{R_6 + \ell_n \cos \alpha}{\cos\varphi} \quad (11)$$

Толали чигитни тебранма ҳаракатини осма маятник тебранишига мослигини қайд этиб, Я.Б. Пановко тадқиқотларини эътиборга олиб, пахта тутамини нисбий ҳаракат тезлиги қуйидаги дифференциал тенглама билан ифодаланади:

$$m_n e_n^2 \frac{d^2\alpha}{dt^2} = m_n W^2 \frac{R_6 + \ell_n \cos \alpha}{\sin \varphi} - m_n g \frac{R_6 + \ell_n \cos \alpha}{\sin \varphi} + \frac{1}{2} F_{MKL} \mathcal{P} V_n \ell_n^2 \sin(\alpha - \varphi) \quad (12)$$

Олинган (12) чи сонли ечимни параметрларининг қуйидаги қийматларида амалга оширилди:


$$m_n = (0,38-0,44) 10^{-3} \text{ кг}; \quad \omega_6 = (38-45) \text{ с}^{-1}; \quad R_6 = (2,2 - 2,5) 10^{-1} \text{ м};$$

$$\ell_n = (2,0-2,5) 10^{-2} \text{ м}; \quad g = 9,81 \text{ м/с}^2 \quad V_x = (6,5-8,0) \text{ м/с};$$

$$\mathcal{P} = (0,2-0,5) \text{ г/см}^3.$$

Масалани сонли ечими ЭХМ да Рунге-Кутта усули дастуридан фойдаланиб компютерда аниқланди.

5-расмда пахта тутамини арра тишларига илинган нуқтасига нисбатан оғма тебраниш бурчаги қамровини аррачали барабан бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган.



1 -  $m_n = 0,810 \cdot 10^{-3}$  кг; 2 -  $m_n = 0,6 \cdot 10^{-3}$  кг; 3 -  $m_n = 0,4 \cdot 10^{-3}$  кг;  
4 -  $m_n = 0,2 \cdot 10^{-3}$  кг;

**5-расм. Пахта тутамини арра тишларига илинган нуқтасига нисбатан оғма тебраниш бурчаги қамровини аррачали барабан бурчак тезлигини ўзгаришига боғлиқлик графиклари**

Қурилган графиклар таҳлилига асосан таъкидлаш мумкинки, аррачали барабан бурчак тезлиги  $0,28 \cdot 10^2 \cdot \text{с}^{-1}$  дан  $0,40 \cdot 10^2 \cdot \text{с}^{-1}$  гача ортганида ҳамда  $m_n = 0,8 \cdot 10^{-3}$  кг бўлганида, яъни пахта бўлаги (3-4) тагача толали чигитдан иборат бўлганида, уларни илинган нуқтасига нисбатан оғма тебраниш бурчаги қамрови кичик бўлиб,  $10,5^\circ$  дан  $18^\circ$  гача нозичикли қонуниятда ортиб боради. Бу ўз навбатида толали чигитларни колосниклар билан таъсирлашиш имконини ортишига олиб келади нисбатан чиқиндилар кўпроқ ажралади. Лекин чигит ва толани шикастланиши ҳам ортади. Шунингдек пахта яхши титилмагани учун тозалаш самараси юқори бўлмайди. Мос равишда пахта яхши

титилган бўлган ҳолатида, яъни толали чигит алоҳида илиб олинганида (5-расм, 4-график) бурчак тезлик  $(0,28-0,4) 10^2 \text{ с}^{-1}$  оралиғида бўлганида толали чигитни оғма тебраниш қамрови  $\Delta\alpha$  қийматлари  $18,5^\circ$  дан  $35,4^\circ$  гача ортиши аниқланди.

Демак тозалаш самараси юқори бўлиши учун ҳамда толали чигит оғма тебраниш қамрови ( $28^0-32^0$ ) оралиғида бўлиши учун аррачали барабан бурчак тезлигининг тавсия қийматлари  $\omega_6 \geq (32-35) \text{ c}^{-1}$  атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг "Тажрибаларни ўтказиш методик услублари ва тажрибаларни натижалари" номли учинчи бобида экспериментал тадқиқотлар ўтказишнинг махсус ишлаб чиқилган усуллари, шунингдек ишлаб чиқилган пахтани ифлосликлардан икки босқичли тозалагичининг параметрлари ва иш режимларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тажрибаларни ўтказиш учун "Рахтасаноат илмий маркази" АЖ қошидаги "РИМ Устахонаси" МЧЖ да тозалагични такомиллаштириш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Мавжуд УХК агрегатининг йирик ифлосликлардан тозалаш секциясига ўрнатиш учун таклиф этилган пахтани икки босқичли тозалаш ускунасини лаборатория стендини тайёрланди. Лаборатория стенди "Рахтасаноат илмий маркази" АЖ нинг лабораториясида тажрибаларни ўтказиш учун ишлатиб келинаётган УХК пахта тозалаш агрегатини ишчи органларини узунлигини 300 мм гача камайтириб тайёрланган лаборатория стендининг бир дона йирик ифлосликлардан тозалаш секциясини такомиллаштириш натижасида тайёрланди. Бунинг учун лаборатория стендидаги йирик ифлосликлардан тозалаш секцияларини оралиқ қисмида жойлашган қозикли барабанлардан бир донасини олиб ташлаб ҳосил бўлган оралиққа бир дона аррачали ва бир дона чўткали барабан ўрнатилди (6-расм).



А)



Б)


**6-расм. Лаборатория стендида мавжуд (А) ва такомиллаштирилган (Б) икки босқичли тозалашни амалга оширувчи секцияни кўриниши**

Тажрибаларни ўтказиш жараёнида Тошкент вилояти Бўка туманида 2021 йил ҳосилидан машинада териб олинган Бухоро-102 селекцион навли 1 ва 3 саноат навли пахта хомашёсини Илмий марказга келтирилиб, шу пахта намуналаридан фойдаланилди. Пахта хомашёсини табиий усулда майдончага ёйилиб қуриштириб олинди. Тажрибалар ўтказиш вақтидаги дастлабки пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

**Лаборатория тажрибаларини ўтказишда ишлатилган пахта хомашёсининг дастлабки сифат кўрсаткичлари**

Пахтани селекцион ва саноат нави		Пахтани ифлослиги, %		Пахтани таркибидаги чигитни механик шикастланганлиги, %	Пахтани қуритишдан кейинги намлиги, %
		умумий	йирик		
Бухоро-102	1-нав	10,0	7,6	2,3	8,6
Бухоро-102	3-нав	11,8	8,9	3,6	8,9

Тажрибаларни ўтказиш вақтида пахта хом ашёсининг тозалаш самарадорлиги аниқланди, бунинг учун пахтани тозалашдан аввалги ва тозалашдан кейинги ифлослик кўрсаткичлари пахта саноат илмий марказининг лабораторияси шароитида олинган пахта намуналарини таҳлил қилиш йўли билан ўрганилди. Ҳар бир вариантдаги тажрибаларни такрорланишини уч мартадан кам бўлмаслиги таъминланди. Таклиф этилган пахтани икки босқичли тозалаш машинасини иш унумдорликларини аниқлаш учун лаборатория стендида маълум қайд этилган вақт давомида тозаланган пахта хом ашёсини тарозида тортиш ва уни тозалагични натурал ўлчамларини ҳисоблаш йўли билан аниқланди. Ҳудди шундай пахтани икки босқичли тозалагичи стендида олинган тозалаш самарадорлигини пахта тозалаш корхоналарига ўрнатиладиган УХК агрегатининг 3 дона йирик ифлосликлардан тозалаш секцияларини тозалаш самарадорликларини тахминан бир хил миқдорда деб қабул қилган ҳолда ҳисоблаш йўли билан аниқланди.



**7-расм. Пахта хомашёсини бир босқич (амалдаги) ва икки босқич (такомиллаштирилган) да тозалашнинг йирик ифлосликлардан тозалаш секциясини технологик кўрсаткичларига таъсири (Бухоро-102, 1 нав пахтада)**

- 1- умумий тозалаш самарадорлиги, %; 2- йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги, %; 3- чигитнинг механик шикастланганлиги, %; 4- ифлосликларга қўшилиб тушган пахта бўлақларини миқдори, %.

Пахта хомашёсини бир босқич (амалдаги) ва икки босқич (такомиллаштирилган) да тозалашнинг УХК агрегатининг йирик ифлосликлардан тозалаш секциясини технологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижалари 7 - расмда келтирилган.


Юқорида келтирилган 7-расмдан кўриниб турибдики, амалдаги бир босқичда тозалашга нисбатан икки босқичда тозалаш пахтани тозалаш самарадорлигини нисбатан юқори бўлишини таъминлайди. 7-расмдаги графиклардан кўриниб турибдики такомиллаштирилган икки босқичли пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секциясида пахтани умумий тозалаш самарадорлиги бир босқичли (амалдаги) тозалашга нисбатан 10,2% га, йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги бўйича 8,9% га кўпроқ бўлиши аниқланди. Демак машинада терилган ифлослиги юқори бўлган пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини ошириш учун уни икки босқичли такомиллаштирилган йирик ифлосликлардан тозалаш секциясида тозалангани маъқул экан.

7-расмдаги графиклардан кўриш мумкинки, бир босқичли (амалдаги) тозалашга нисбатан икки босқичли такомиллаштирилган йирик ифлосликлардан тозалаш секциясида тозаланган пахта таркибидаги чигитнинг механик шикастланганлиги кўпроқ миқдорни ташкил этмоқда. Бу эса мантиқан тўғри, чунки пахтани тозалаш икки босқичда амалга оширилаётгани сабаб унга аррачали барабанлар тишлари билан таъсири кўпайган. Аммо пахта таркибидаги чигитни механик шикастланганлигини ошиши бир босқичли тозалашга нисбатан 0,4-0,6% ни ташкил этади, шу сабабли машинада терилган техник пахта хомашёсини тозалашда такомиллаштирилган икки босқичли йирик ифлосликлардан тозалаш секциясини қўлланишга бемалол тавсия этса бўлади.

Икки босқичли такомиллаштирилган йирик ифлосликлардан тозалаш секциясини бу камчиликлари машинада терилган юқори ифлосликдаги пахта хомашёсини тозалаш самарадорлигини сезиларли даражада, яъни 10,2 % га ошганлигини таъминлаганлиги сабабли эътиборга олинмаса бўлаверади. Чунки УХК агрегатидан ажралган ифлосликларга қўшилиб чиқадиган пахта бўлакларини ажратиб олиш учун пахтани дастлабки ишлаш технологик линиясида пахта регенератори 1РХ қўлланилади.

Ўтказилган тажрибаларда иккинчи аррачали барабаннинг тишлари билан чўткали илаштиргич орасидаги тирқишни 2 мм га тенг қилиб олинганида биринчи тозаловчи аррачали барабан тишлари билан чўткали илаштиргич орасидаги тирқишни ўрганиш натижалари (8-расм) дан кўриниб турибдики, бу тирқишни кўпайиши билан пахта таркибидаги эркин толани сезиларли даражада камайишига олиб келар экан, бундан ташқари пахта таркибидаги чигитни механик шикастланишини камайиши хам кузатилди. Такимиллаштирилган икки босқичли йирик ифлосликлардан тозалаш секциясининг пахтани тозалаш самарадорлиги биринчи тозаловчи аррачали барабан тишлари билан чўткали илаштиргич орасидаги тирқишни 0 дан 4 мм гача катталаштирилганида 3-4 % га камайиши аниқланди. Лекин тозалаш

самарадорлигининг бу миқдорда камайишини пахта таркибидаги чигитни механик шикастланганлигини камайганлиги ҳисобига олинадиган тола маҳсулотини сифатини сақлаб қолиниши билан қопланиб кетишини таъкидлаш мумкин бўлади.



**8-расм. Аррачали барабан тишлари билан илаштирувчи чўтка орасидаги тирқишни икки босқичли тозалаш секциясини технологик кўрсаткичларига таъсири (иккинчи тозаловчи аррачали барабан тишлари билан илаштирувчи чўтка орасидаги тирқишни 2 мм га ўрнатилган ҳолатида)**

1. умумий тозалаш самарадорлиги, %; 2. Йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги, %; 3. Чигитнинг механик шикастланганлиги, %;
4. ифлосликларга қўшилиб тушган пахта бўлақларини миқдори, %.

Диссертациянинг тўртинчи "Такомиллаштирилган пахта тозалагичи УХК ни пахта тозалаш корхонасининг ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш" номли бобда, схемаси ва умумий кўриниши муаллиф томонидан асосланган параметрларга мувофиқ, таклиф қилинган пахта тозалагичини экспериментал намунасининг ишлаб чиқариш синовлари натижалари келтирилган.

Такомиллаштирилган секцияли УХК агрегати Жиззах вилояти Дўстлик тумани "САНГЗОР ТЕКСТИЛ" кластернинг "Дўстлик" пахта тозалаш корхонасининг пахтани йирик ва майда ифлосликлардан оқимли тозалаш технологик машиналари тизимига ўрнатилди (9-расм).

Ўтказилган тажриба натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, УХК агрегатининг йирик ифлосликлардан тозалаш такомиллаштирилган секциясида пахта хом ашёсини икки марта аррачали барабанларда тозаланиши натижасида УХК агрегатининг умумий тозалаш самарадорлиги 90,5% ни ташкил этди. Тозаланган пахтанинг жинлашдан олдинги ифлослиги (жиннинг лотогида) 0,95% ни ташкил этиб, амалдаги технологик регламент талабларига жавоб берди. Демак УХК агрегатининг йирик ифлосликлардан тозалаш такомиллаштирилган секцияси пахтани умумий тозаланиш самарадорлигини юқори бўлишини таъминлайди.



**9-расм. Пахта тозалаш корхонасида ўрнатилган такомиллаштирилган йирик ифлосликлардан тозалаш секцияли УХК пахта тозалаш агрегатини умумий кўриниши**

Амалдаги УХК агрегатида пахта хом ашёсининг умумий тозалаш самарадорлиги 86,0% ни ташкил этди. Машинада терилган ифлослиги юқори бўлган пахта хом ашёсини тозалашда тозаланган пахтанинг жинлашдан олдинги ифлослиги (жиннинг лотогида) 1,4% ни ташкил этиб, амалдаги технологик регламент талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Тажрибаларни натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Таққослаш тажрибаларини натижалари**

Саноат нави	Амалдаги УХК тозолагичини ўртача тозалаш самарадорлиги, %				Такомиллаштирилган УХК пахта тозолагичини ўртача тозалаш самарадорлиги, %			
	тозалашгача		Тозалашдан кейин		тозалашгача		Тозалашдан кейин	
	Ифлос-лик, %	Нам-лик, %	Иф-лослик, %	Тозалаш самарадорлиги, %	Иф-лос-лик, %	Нам-лик, %	Иф-лос-лик, %	Тозалаш самарадорлиги, %
I	10,0	9,2	1,4	86,0	10,0	9,2	0,95	90,5
III	11,4	9,6	1,9	83,3	11,4	9,6	1,3	88,6

Тавсия этилган такомиллаштирилган пахта тозалагичини пахта тозалаш корхоналарини пахтани йирик ва майда ифлосликдан тозалаш ускуналари тизимига жорий этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара тола сифатини 1,5% миқдоридаги қисмини бир синфга яхшиланиши хисобига 83,8 млн. сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

1. “ПахтаJIN” АЖ си, “Пахтасаноат ilmiy markazi” АЖ ва ТТЕСИ мутахассисларидан ташкил топган махсус комиссиясининг синов натижаларига кўра Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида бир майдондаги пахта даласида ўтказилган тажрибалар асосида қўлда терилганга нисбатан машинада терилган пахтанинг намлиги 9.1% дан 11% гача, ифлослиги эса 7.1% дан 10% гача юқори эканлиги аниқланган. Технологик регламент талабларидаги тозалаш сифати кўрсаткичларига эришиш учун УХК агрегатида 6 та аррачали тозалаш секцияси ишлатилишини тавсия этилган. Лекин амалдаги УХК агрегатларида фақат 3 та ёки 4 та аррачали тозалаш секциясидан фойдаланиш имкони мавжудлиги аниқланди.

2. Қозикча сиртидан отилиб чиққан пахта бўлагини бошланғич тезлиги ва массаси боғлиқлигини характерловчи ҳаракат тенгламалари олинди, улар ёрдамида аррачали барабанни ўрнатиш координатлари аниқланди.

3. Пахта бўлагини қозикча сиртидан отилгандан кейинги ҳаракат траекториясини унинг бошланғич чизиқли тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари олинди. Сонли ҳисоблар натижасида пахта бўлаги массаси  $0,4 \cdot 10^{-3}$  kg, ва бошланғич чизиқли тезлиги 8,5 m/s бўлганида х ўқи бўйича 0,231 м гача учи бориши, у ўқи бўйича эса 0,132 м гача кўтарилиши аниқланди. Пахтани титилиши янада яхшиланиб, толали бир чигитли холатида, яъни массаси  $0,2 \cdot 10^{-3}$  kg бўлганида унинг траекторияси мақбул бўлиб, х ўқи бўйича аррачали барабан таъсир зонаси 0,252 м гача етиши назарий аниқланди.

4. Назарий тадқиқотлар натижасида арра тишига илинган пахта бўлагини оғма тебраниш кўрсаткичларини аниқлаш асосида аррачали секциянинг колосниклар сони 15-16 та бўлиши кераклиги аниқланди.

5. Такومиллаштирилган икки босқичли пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секциясида пахтани умумий тозалаш самарадорлиги бир босқичли (амалдаги) тозалашга нисбатан 10,2% га, йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги бўйича 8,9% га кўпроқ бўлиши аниқланди. Пахта таркибидаги чигитни механик шикастланганлигини ошириш бир босқичли тозалашга нисбатан 0,4-0,6% га кам эканлиги аниқланди.

6. Пахта таркибида эркин тола хосил бўлишини ва тозаланаётган пахта таркибидаги чигитни механик шикастланганлигини камайтириш мақсадида такомиллаштирилган икки босқичли йирик ифлосликлардан тозалаш секциясидаги биринчи тозаловчи аррачали барабан тишлари билан чўткали илаштиргич орасидаги тирқишни 2-4 mm., иккинчи тозаловчи аррачали барабан тишлари билан чўткали илаштиргич орасидаги тирқишни 0-2 mm. га тенг қилиб ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди.

7. Тажрибалар шуни кўрсатдики, биринчи тозалаш барабанининг тишлари ва колосниклари орасидаги масофанинг 12 дан 16 mm гача кўпайиши билан умумий ифлосликни ажратиш 71,0% дан 72,8% га ошди, масофанинг 20 mm гача кўпайиши билан – 68,7% га камайиши аниқланди. Тозалаш самарадорлиги йирик ифлослик ажратиш бўйича эса оралик 12 дан 16 mm гача ошиши билан 91,5% дан 78,6% гача камайди, 20 mm масофада эса 77,3% ни ташкил қилди.

8. Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибалар асосида такомиллаштирилган УХК агрегатининг умумий тозалаш самарадорлиги 90,5% ни ташкил этди (мавжуд УХК агрегатида 86,0%). Натижада пахтани жин лотогидаги ифлослиги 0,95% ни ташкил этиб амалдаги технологик регламент талабига жавоб бериши аниқланди. Амалдаги УХК оқимида эса жин лотогидаги пахта ифлослиги технологик регламент талабларига юқори бўлиб 1,4% ни ташкил этди.

9. Тавсия этилган такомиллаштирилган пахта тозалагичини пахта тозалаш корхоналарини пахтани йирик ва майда ифлосликдан тозалаш ускуналари тизимига жорий этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара тола сифатини 5-6% яхшиланиши хисобига 83,8 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ДЖИЗАКСКОМ  
ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САЛОМОВ АБУБАКИР АХМАДКУЛОВИЧ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАННЫЕ АГРЕГАТА УХК ДЛЯ ЭФФЕКТИВНОЙ  
ОЧИСТКИ ХЛОПКА МАШИННОГО СБОРА, ОТ КРУПНЫХ  
ПРИМЕСЕЙ**

**05.06.02 - «Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИЯ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Джизах - 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/Т2525.**

Диссертация выполнена в Джизакском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Учёного совета при Джизакском политехническом институте ([www.jizpi.uz](http://www.jizpi.uz)) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Усмонкулов Алишер Кадиркулович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Сулаймонов Рустам Шенникович**  
Доктор технических наук, профессор

**Исмаилов Алишер Абдулхаевич**  
Кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «23» декабря 2022 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета **PhD.03/30.06.2020.Т.115.01** при Джизакском политехническом институте по адресу: 130100, г. Джизак, ул. И.Каримова-4. Тел.:(+99872) 226-46-05, факс: (+99872) 226-45-06; e-mail:[dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz) Административное здание Джизакского политехнического института, 2-этаж, малый зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Джизакского политехнического института (зарегистрирована №\_\_). Адрес:130100, г. Джизак, ул. Исрома Каримова, дом 4. Тел.:(+99872) 226-46-05, факс: (+99872) 226-45-06;

Автореферат диссертации разослан «10» декабря 2022 года.

(реестр протокола рассылки №9 от «10» декабря 2022 года).

**М. Ходжиев**

Заместитель председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**И.Аббазов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.т.н.(PhD), доцент

**А.Парпиев**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одно из ведущих мест в мире занимает применение энергосберегающих методов и технологий для подготовки и хранения, улучшения качества хлопка, который считается натуральным волокном. «по сравнению с данными международной консультативной комитета (ICAC). несмотря на то, что потребляются 24,55 млн. тонны волокна, объем произведенного волокна составляет 23,07 млн. тонн»<sup>1</sup>, учитывая наличие определенного количества посторонних сорных примесей в составе выращиваемого волокна, обуславливает необходимость внедрения в практику машин, качественно выполняющих рабочий процесс при очистке выращиваемого хлопка. В связи с этим важную роль играет использование энергосберегающих технических средств и приспособлений для очистки хлопка-сырца.

С целью извлечения посторонних сорных примесей из выращиваемого в мире хлопка проводятся исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств. В этом направлении, включая исследования по совершенствованию агрегатов для эффективной очистки хлопка, собранного машинным способом, от крупных примесей, является приоритетным. В связи с этим особое внимание уделяется разработке энерго-ресурсосберегающих машин с целью обеспечения высокого качества работы и экономии энергии и ресурсов при очистке хлопка от сорных органических и неорганических примесей при первичной обработке, а также научному обоснованию его технологического процесса, параметров и режимов работы.

В хлопковой промышленности нашей республики значительно изменилась технология предварительной обработки хлопка и требования к качеству производимого волокна. В рамках ежегодных инвестиционных программ Республики Узбекистан реализуются комплексные меры по модернизации и реконструкции хлопкоочистительных предприятий, развитию ресурсосберегающих технологий, и достигаются определенные результаты.

В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в том числе «...продолжая промышленную политику, направленную на обеспечение стабильности национальной экономики и увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте, она направлена на увеличение объема промышленного производства в 1,4 раза, тем самым увеличив объем производства продукции текстильной промышленности в 2 раза...»<sup>2</sup> определены важные задачи. При реализации этих задач, в том числе при переработке хлопка, наряду с качественной очисткой важно создавать модернизированные

---

<sup>1</sup> International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC, email [secretariat@icac.org](mailto:secretariat@icac.org). September 1, 2017

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана, рассчитанной на 2022-2026 годы".

машины с целью ускорения процесса очистки.

Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ПП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 6 марта 2020 года ПП- 4633 «О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в сфере хлопководства», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 июня 2020 года № 397 «О мерах по дальнейшему развитию хлопчато-текстильного производства» и реализация задач, поставленных в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью, в определенной степени служат исследованию данной диссертации.

**Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Решая проблему повышения интенсивности технологического процесса очистки хлопка при сохранении природных свойств хлопкового сырья и обеспечении эффективного использования сырья, прикладная наука требует совместных усилий научных и проектных организаций по разработке фундаментальных вопросов и созданию высокоэффективных очистительных машин.

Многие зарубежные исследователи- W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.W.Laird, E.M.Barnes, M.N.Gillum, P.G.Patil, P.A.Boving, V.G.Arude, S.K.Shukla, D.W.Van Doorn, B.M.Norman и другие занимаются разработкой и совершенствованием новых приемов и технологий в технологических процессах очистки хлопкового сырья.

Отечественные ученые: Г.И.Мирошниченко, Т.И.Болдинский, Р.Г.Махкамов, Е.Ф.Будин, Р.В.Корабельников, И.Т.Максудов, Р.З.Бурнашев, Г.Д.Джаббаров, С.Д.Балтабаев, Б.Г.Кадыров, И.К.Хафизов, Р.М.Каттаходжаев, А.Д.Джураев, Д.А.Котов, В.И.Кузьмин, М.М.Джамалова, М.Ж. Кошакова, В.Н.Гусейнов, К.Абдуллаев, Д.А.Усманов С.Кодирходжаев, С.Саидахмедов, Х.Ахмадходжаев, Р.Муродов и другие занимались разработкой и исследованием методов и машин для очистки хлопкового сырья. Они провели теоретические и экспериментальные исследования процессов очистки, рекомендовали изменения в различных конструкциях, рациональные технологические параметры и режимы действия механизмов машин.

